



### Ислом КАРИМОВ:

## Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурося қилолмаймиз.

### АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ, МУСУЛМОНМАН!

Беш вақт намазими ўқиб, Яратгандан юртимга тинчлик, омонлик тилаб яшамоқдаман. Мустиқиллик шарофати туфайли дини исломга кенг йўл очилди. Муслмонларимиз ўз диний эътиқодларини эмин-эркин адо этишлари учун барча имконият яратилган.

Алҳамдулиллоҳ, муслмонман деган калимада олам-олам маъно бор. У дили пок, нияти улуг, ҳамиша эзгуликка интилувчи инсонларгагина ҳосил. Не бахти, ҳамиша оҳирати мизни ўйлаб, тангри таолога итоат этиб, муслмончилик шартларини ёруғ юз билан адо этаймиз. Эзгулик эса юксалиш сари етаклайди.

Исломнинг инсонпарварлик голяри бағоят улуг, мўътабар. Муҳтарам Президентимизнинг «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб, яна шу нарсаларга иқдор бўлдимки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиغان одамлар ҳам бу ўта нозик мавзуга аралашмоқда. Кишини ранжитадиган томони шунки, Ўзбекистон камолини кўролмаётган ёвуз кимсалар ҳаётининг аччиқ-чучугини татиётган, тажрибасиз, соддадил ёшларни йўлдан уриб, улардан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланишмоқчи. Бу эса ўз-ўзидан исломнинг улуг голяри обрўсизланишига олиб келяпти. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Биз ўз эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз.

Тоҳир хожи СОДИКОВ, меҳнат фахрийси, Сирғали тумани, Қумарик маҳалласи.

### ҚАЛБ ТУҒҒЕНИ

Яқинда ўқувчилар билан учрашувда бир кеча отахон «Масжидга қатнаган кишидан ўғри чикмайди, чунки бундай қилишга гуноҳи азим эканлигини у яхши тушуниб етган бўлади» деган эди. Ҳақ гап. Чунки ислом динидек покиза, адолатли, марҳаматли, кеңиримли ва муқаддас диннинг ўзи дунёда йўқ. Шу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларидаги «Муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб қўллар, табиийки, ер юзидеги бар-

### Муносабат

ча муслмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди» деган сўзларига тўла қўшиламан. Яна шунини айтиш керакки, суҳбатнинг асл мақсади мусаффо ва пок динимизнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда уни ниқоб қилиб олиб, қабих ва жиркан ишларни амалга ошираётган ақидапарастлар кирдикорларини шош эйтиб, тарихимиз, қадриятларимиз, шууримизга сингиб кетган Ислом динининг инсонпарварлик голярини ёш авлод юрагидан жой олишига эришишдан иборатдир.

Мен ўқитувчи сифатида болани туғилган кунидан бошлабқ тарбия қилишга киришим керак, деган ўғитга тамомила қўшиламан. Чунки дарахтга унинг ниҳоллик пайтида шакл-шамойил бериш ҳар томонлама фойдалидир. Ишонтириб айтаманки, агар ҳар бир ўқитувчи ёки тарбиячи буюк боболаримиз маънавий мероси, алломаларимиз таълимоти, ҳадиси ўғитларини болалар қалбига жо қилолса қўзланган мақсадга албатта, эришиш мумкин.

Махфират ЮСУПОВА, Жондор туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси.

### Президентимиз билан фахрланамиз

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари Бухоро вилояти аҳолисини ҳам гоёат тўлқинлантирди. Куйида уларнинг айримлари фикрлари билан танишасиз:

**Сано Жумаев, уруш ва меҳнат фахрийси:**  
— Муҳтарам Президентимиз «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» дея ҳар биримизнинг кўнглимиздаги гапни айтдилар. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки Оллоҳ кимнинг қалбига бўлса, у инсон ҳамиша ақл-заковатли, маънавий пок бўлади. Динни ниқоб қилиб олиб, унинг номи билан гаразли ишларга қўл урадиган ноқасларни Яратганининг ўзи ғазабига дучор қилади.

**Ортик Вафоев, «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти кенгаши раиси:**  
— Бизнинг ота-боболаримиз дини ҳа-

қида гапирганимизда энг аввало Оллоҳ ва унинг расули, ўзимизга руҳан яқин улуг алломаларимизни тасаввур қиламиз. Дунё муслмонлар олами ҳуқуд ахтиром билан тилга оладиган Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Ясавий, Имом ат-Термизий сингари улуг алломаларимиз қолдирган буюк маънавий меросдан нафақат бизнинг ўзимиз, балки келажак авлодимиз ҳам баҳраманд бўлишида беқийс хизмат қилган Йўлбошчимизга ташаккурлар айтаемиз.

**Жалолиддин Иззатов, «Камолот» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси:**

— Юртбошимиз 16 феврал воқеалари муносабати билан юксак минбардан туриб «Мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймайман. Улар менинг фарзандларимдир!» дея қатъий фикр билдирдилар.

Йўлбошчимиз «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» дея номланган суҳбатларида бу фикрни ривожлантириб, «Мен Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига ҳавф туғдиришга ҳеч қачон йўл қўймайман!» дедилар. Биз ёшлар Президентимиз билан ҳамфикримиз. Юртбошимиз Ватанимиз келажакни ёшлар сиймосида кўраётганлигининг ўзбек биз учун катта ишонч. Бу юксак ишончнинг оқлаш йўлида жонимизни ҳам аямаймиз.

Илҳом Сафар, Ўза мухбири

### Қора куч

**Тош отиб халқ бошига, Қолдир ланъат тошига. Қойил бўл бардошига, Эй, ланъати, қора куч.**

**Илон борми қўйингизда, Тавқи ланъат бўйингизда. Бу — сенинг ўйинингизда, Эй, ланъати, қора куч.**

**Қарғар бугун халқимиз, Қанча сўксак ҳақлимиз. Мустиқиллик, бахтлигимиз, Эй, ланъати, қора куч.**

**Биз бир тану бир жонмиз, Асл ўзбек, бир қонмиз. Билсанг, она Туронимиз, Эй, ланъати, қора куч.**

Нуриддин Яхё

### Касаба уюшмалари ҳамкорлиги: Ўзбекистон-Туркия

**Мустиқиллик диёримизга халқаро ҳаётда жуда катта воқеликлари, ўзгаришларни олиб кирди. У касаба уюшмалари турмушида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон касаба уюшмалари жаҳондаги қирқдан зиёд давлатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Агар мустиқилликдан аввалги йилларни эсласак, Ўзбекистон касаба уюшмалари бирон мамлакат билан ўзича алоқа қилиш ҳуқуқига эга эмас эди.**

Истиқлол шарофати билан касаба уюшмалари ҳаётда тамоман янги давр бошланди. 1994 йил Анкарада Саноат ишчилари халқроқ Европа ва Осиё мамлакатлари касаба уюшмаси Федерацияси тузилди. Унинг Низоми қабул қилинди.

Металл саноати ишчилари касаба уюшмаси халқаро Европа ва Осиё мамлакатлари Федерацияси Низомида у инсон ҳуқуқ-

тахтада ўтиришдан бошқа ҳақ-ҳуқуқи қолмаган эди. Шунда султон томонидан қидирилатган Мустафо Камол миллий ҳаракати бошқара бошланди. Бир пайтнинг ўзида ички ва ташқи душманларга қарши курашиш осон бўлмади.

1923 йили Туркия Республика деб эълон қилинди. Мустафо Камол Туркия республикаси Президенти этиб сайланди. Президент мамлакатни ўзига хос ва мос йўлдан бошлади. Янги авлодни тарбиялади ва туб ислохотлар ўтказди.

Жаҳоарал Неру Туркия тарихида ўнмас э қолдирган, Мустафо Камол раҳбарлик қилган йилларни «Янги Туркия қулхоналаридан ўсиб чиқди» деб баҳолаган эди.

Мутахассисларнинг да-

## Қ. Ҳаётин зарурат

лари, касаба уюшма фаолияти эркинлиги, демократия ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилиши зикр этилади. Федерация кишиларни иш билан банд қилиш, металлчиларни ижтимоий, маданий ривожлантириш, уларнинг турмуш фаровонлигини ва меҳнат шароитини яхшилашни ўзининг бош мақсади деб белгилаган.

Металл саноати ишчилари касаба уюшмаси халқаро Европа ва Осиё мамлакатлари Федерациясига Ўзбекистон, Озарбайжон, Албания, Арманистон, Белорусь, Болгария, Македония, Покистон, Руминия, Россия, Туркия, шунингдек, Мустиқил Ҳамдўстлик Мамлакатларидан бир гуруҳ кириган, яъни уларнинг аъзолик ташкилотлари ўн тўққиз мамлакатдан. Федерация ҳузурида халқаро касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ўрганиш, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий билимларни ошириш юзасидан ўқув маркази тузилган ва у Туркия пойтахти Анкарада ташкил этилган.

Яқинда металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимларидан иборат бир гуруҳ касаба уюшма ходимлари ана шу марказдаги қисқа курсларда ўқиб қайтишди.

Серкўёш диёримиздан кўтарилган ҳаво лайнери салкам беш соатда Истамбул аэропортига қўнди. Биз ушунга тайёргарлик кўраётганимизда Тошкентда ҳаво 15-19 даража илқ эди. Истамбулда эса қор бўралаб уради.

Истамбулдан автобусга тушиб салкам 450 қадимий масофада жойлашган мамлакат пойтахти Анкара томон йўл олдик.

Автобус аввал Қора денгиз, сўнг Мармар денгизи соҳиллари бўйлаб олға интилади. Бирор соатдан сўнг сув манзаралари тоғ олд манзаралари билан алмашди. Тоғлар орасидан ўтамиз. Тоғнинг тепасидан йўл четига «ўрмалаб тушган» гўзал ва пушқомат арчалар Европа ўрмонзорларини эслатади. Айтомқчи, Туркия Европа билан Осиёни бириштириб турувчи ўлка-ку ахир. Ҳассос шoirимиз Гафур Фулом ибораси билан айтганда, бу ерда шундай ҳудуд борки, бир дарахнинг сояси пешингача Осиёга, пешиндан кейин Европага тушиб туради.

Ана шундай гўзалликлардан баҳраманд бўлиб, ширин хаёллар оғушида

лолат беришича, Мустафо Камол давлатни бошқарган 15 йил ичида шунча саноат корхоналари бунёд этилдики, ундан кейинги ярим асрда ҳам бунча корхона қурилмаган.

Турк халқи раҳнамоси буюртни озодликка олиб чиқди, истиқболи нурашон йўлга бошлади. Шунинг учун ҳам уни халқ суйиб Отатурк, мамлакат отаси деб атади.

Туркия ҳозир жаҳонда тез ривожланиб бораётган мамлакатлардан биридир. Истамбул, Анкара қўчаларидан борар эканмиз, турли-туман енгил, юк, пассажир автомашиналарини кўрамиз. Уларнинг ҳаммаси Туркияда ишлаб чиқарилган. «Фиат», «Хонда», «Хундай», «Тойота», «Рено», «Опел» каби ўн бешга яқин хорижий фирмалар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қурилган ва улар учун эътиёт қисмлар ҳам шу ерда ишлаб чиқарилади.

Туркия жаҳондаги энг кўп маҳсулот ишлаб чиқарадиган 129 давлат ичида 23-ўринда турар экан. Дунёдаги энг рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 53 давлат ичида 36-ўринини эгаллайди.

Туркияда тўқимачилик бўйича 500 дан кўпроқ фирма бор. Мамлакат бу соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда унчинчи ўринини эгаллайди.

Ўқув марказида биз Туркия ишлаб чиқариши, ижтимоий иқтисодий маълумотлар билан танишдик. «Металл саноати ишчилари касаба уюшмаси Европа ва Осиё Федерациясининг тузилиши ва унинг фаолияти», «Туркияда жамоа шартномаларини тузиш тизими», «Туркметалл» касаба уюшмалари ташкилий таркиби ва фаолиятининг асосий йўналишлари», «Глобализация», «Хусусийлаштириш» каби мавзуларда лекциялар тингладик.

Айниқса, Ғози университети профессорлари Нежетбей Жўшқин, Оун Эсен, «Туркметалл» касаба уюшмаси бўлим мудири Оубек Берди лекциялар, қатор суҳбатлар, учрашувлардан кўп нарсани олдик.

20-йиллар бошида Туркия саккиз йиллик урушдан сўнг ниҳоятда холдан тойиб, ожизлашиб қолган эди. Инглизлар қўлида кўйгирчоқ султonga айланган Ваҳедиддиннинг

Будир ПўЛАТОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири. Тошкент-Истамбул-Анкара.

### Қилмиш-қидирмиш

**Ота... Унинг улуг зот эканлиги ҳақида соатлаб гапирсак ҳам озлик қилур. Халқ орасида отанинг мардонаворлигидан ҳар бир фарзанд куч, бахра олади, мазмунидеги ибора бехудага тилдан-тилга кўчиб юрмайди.**

Инсон дунёга келган, оила муҳитида ўсиб камолга етади. Ўғилнинг камолотида отанинг ўрни, айниқса, салмоқлидир. Чунки, ота нимаики қилса, фарзанди учун қилади. Минг афсуски, ораимизда юқорида айтиб ўтилган сифатлардан мосуво бўлган оталар ҳам учраб турибди.

Бунга Навработлик Ҳамро Асадовни мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Агар у кишида оталик гурури, қадр-қиммати, орномуси бўлганда эди, бугун нафақат ўзини, ҳатто кўзининг оқу қораси бўлган фарзанди Ўлмасни суднинг қора курсисига етаклаб келмаган бўларди.

Воқеа тафсилотлари билан танишган ҳар бир иймонли киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Негаки, эндигина балоғат ёшига етиб, ҳаётда оқу қорани энди таний бошлаган Ўлмасни ўз отаси жиноят ботқоғига етаклаган. Аникроғи, уни йўлдан, ҳаёт сўқмоқларидан чалғитган.

Суд йиғилишида аниқланган қуйидаги ҳолатга эътибор беринг: «Асадов Ўлмас 1998 йил 16 ноябрдан 17 ноябрга ўтар кечаси отаси Асадов Ҳамро (илгари судланган)нинг курсатмасига биноан, иккинчи бир жинойи шериги Жумаев Жамбул (у ҳам судланган) билан Пешандак қишлоғида яшовчи Фуқаро Тўраев Изаитилоннинг ҳовлиси ичкарисида жойлашган заргарлик дўконига кириб, у ердан 230500 сўмлик тилла ва нуқрадан ясалган тақинчоқларни ўғирлаб олиб чиқади. Сўнг уларни ўз уйига яшириб қўяди. Бу ҳаракатлари билан у Ўзбекистон Республикаси Ж.К.нинг 169-моддаси 3-

кечроқ фахлалашга одатланган қолганмиз. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, ҳаётимизда учраб турадиган қусурларнинг тағ-томирига болта уришга қўрбимиз етмаётгандир.

Суд жараёнида ўғилнинг қўлига ясама қалит туқазиб, уни ўғирликка ундаган отанинг барча ҳаракатлари атрафлича ўрганиб чиқилди. Яқинда тўй қилмоқчи эканлигини рўқча қилиб, ўғирланган бир дон шибир ва бир дон барг халқасини Машура исмли аёлга 8000 сўмдан пуллаган баднафс отани ота дегимиз келмайди.

Судда отанинг яна бир ноҳўя ҳаракати ўз ибботини топди. Аниқланишича, у матодан тилкидан халтача ичида кўкнори

### Ўғлини жиноятга бошлаган ота

воб аниқ. Аввало шунини айтиш керакки, унда ҳалол меҳнат қилишга асло рағбат йўқ. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга одатланган. Кишиларнинг мол-мулкига кўз олайтиришга ўрганган. Хуллас, унда тайёргача айёрлик кайфияти ҳукмрон.

Шу ўринда хийла чекиниши лозим топдик. Сезган бўлсангиз, Ҳ.Асадов илгари ҳам худди шу ҳаракатлари учун судланган. Утмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқармаган ота тоғни урса талқон қилувчи фарзандини ҳам ўз сафига қўшиб олишдан қайтмаган.

Халқ катта куч. Унинг кўзи мингта. Шундай экан, қишлоқ аҳлининг назарига тушмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Хулоса шунки, жиноят хоҳ қишлоқда, хоҳ шаҳарда содир бўлишидан қатъий назар, барча қинғирликлар одамларнинг шундоққина кўз ўнгида, назаридан ўзи бериши мўқаррар. Фақатгина лоқайдилик, бепарволик оқибатида ноҳўя ҳаракатлар аломатлари, белгиларини

ўсимлиги бошоқларининг майдаланган қисмини унинг тўрида сақлаб келатган экан. Қилғилиқни қилиб қўйиб, сувдан қуруқ чиқини ўйлаган Ҳамро Асадовнинг бу гал омади юришмади. Унга жазо тайинлашда шафқат қилинмади. Яъни, мол-мулки мусодара қилиниб, 8 йилга озодликдан маҳрум этиш хусусида одилона ҳукм ўқилди. Шу тариха жиноятчи ота жазони қаттиқ тартибда меҳнат колонияларида ўтайдиган бўлди. Шунингдек, Ўлмас Асадов ва унинг шериги Жамбул Жумаевлар ҳам жазодан бенаиб қолишмади. Уларнинг иккиси ҳам 6 йилга қамалинди. Бу нафақат «уч оғани би тирлар»га, ҳаттоки шу йўлга киришга майли бўлган бошқа кимсаларга ҳам сабоқ бўлса ажабмас.

**Иброҳим НОРОВ, Жондор туман судининг раиси. Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.**

### ОМАДЛИ СТИПЕНДИАТЛАР

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида малакали мутахассисларни тайёрлаш ишига ҳисса қўшиш ва касаба уюшмалари фаолиятига ёшларни кенроқ жалб этиш мақсадида Кенгаш Раёсатининг қарори билан 1998-1999 ўқув йилидан эътиборан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг 10 та стипендиаси тавсис этилган эди.

Қишқи сессия якунларига асосан ўқув муассасалари ҳамда тармок касаба уюшмалари шаҳар кўмиталарининг тавсиялари тегишли комиссия томонидан кўриб чиқилди. Уларнинг хулосаси Раёсат томонидан тасдиқланди. Стипендиялар талабаларга ўқув муассасаси белгилаган миқдордан 50 фоиз кўп бўлиб, ярим йил давомида берилади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси Мирзохўд Содиқов тантанали суратда бахтли ёшларга «Пойтахт касаба уюшмалари кенгашининг стипендиати» гувоҳномасини топширди. Омадли ёшлар билан танишнг: Ҳамидулла Абдуллаев (Геология техникуми), Муҳайё Беркинбоева (Педагогика университети), Нилуфар Исаева (Маданият институти), Жамшид Назаров (Радиотехника коллежи), Тамара Романенко (Техника университети), Шаҳноза Тожибоева (Қишлоқ хўжалиги механизациялаш институти), Шавкат Шарипов (ТошДУ), Барно Йўлдошева (Жаҳон тиллари университети), Ифтихор Қодиоров (2-Тиббиёт институти), Чарос Қорабоева (Республика Тиббиёт билим юрти).

Ғайрат ЗУНУНОВ, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири.

## OLAMDA NIMA GAP

**БРЮССЕЛЬ.** Европа Комиссияси Украинада Чернобил атом электростанциясининг учинчи блоқи қайта ишга туширилгани муносабати билан махсус баёнот қабул қилди. Европа Иттифоқининг энергетика ишлари бўйича комиссари Христос Папуцисанинг таъкидлашича, Европа комиссияси Украина ҳукуматининг ЧАЭСнинг учинчи блокини қайта ишга тушириш тўғрисидаги қарорини тушуна олмаяпти, чунки Украина раҳбарияти «катта еттилик»ка 2000 йилгача ЧАЭС фаолиятини тўхтатишга ваъда берган эди. Баёнотда фақат учинчи ядровий реакторни эмас, балки ЧАЭСни бутунлай ёпиш масаласи яна бир марта кўтарилган.

**КИЕВ.** Мамлакатга ташриф буюрувчи хорижий фуқароларни рўйхатга олишининг янги режими жорий этилди. У Европа Иттифоқи талабларига мувофиқ тарзда тузилган. Украина ташқи ишлар вазирлиги консуллик бошқармаси бошлиги Виктор Кидкининг хабар қилишича, янги режим шу йилнинг 1 декабрига қадар тўла жорий этилиши лозим.

Вашингтон... Виктор Кирикнинг таъкидлашича, янги визалар 15 тур ва 24 кўринишда бўлади, бу эса виза бўйича мамлакатга ташриф буюрувчилар шахсини аниқлашни осонлаштиради. Ташриф ҳуқуқи асосан 6 ой мuddатга

Бериледи. Украинадан чиқувчилар учун эса икки хил виза бериладиган бўлди. Уларни ариза асосида таклифномасиз ва Украина консули суҳбатидан ўтмасдан олиш мумкин.

**БИШКЕК.** Қирғизистонда милиция ходимлари ҳаётига қасд қилиш ҳоллари тобора кўпаймоқда. Яқинда Жалолободда жиноятчилар милиция махсус бўлинимаси ходимига ҳужум уюштиргани ҳам бунинг яқол далилидир. Ушунда юз берган отишма чоғида икки милиция ходими ҳалок бўлган эди. Шунингдек, 8 март куни ҳам икки нафар ДАН ходими хизмат вафизисини ўтаб турган пайтда отиб ўлдирилган.

Қирғизистон ички ишлар вазири К.Қутабеков журналистлар билан учрашувда жиноятчиларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари ҳаётига ҳавф солувчи ҳаракатларига нисбатан аёвсиз чоралар қўлланилишини айтди.

### Халқаро алоқаларимиз ВЕНА УНИВЕРСИТЕТИДА

Истиклол мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлирига ҳам кенг имкониятлар яратиб берди. Бу борада Ўзбек Давлат жаҳон тиллари университетининг немис филологияси факультетида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Қисқа вақт ичида Австриянинг таълим ва маданият вазири, Вена университети, Австрия академик айирбошлаш хизмати каби қатор ташкилот ва ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Бундай алоқалар натижасида университет профессор-ўқитувчилари Австрияда ўқазилган қатор халқаро конференцияларда иштирок этиш, аспирант ва талабалар эса ўз малакаларини ғарб мамлакатларида такомиллаштириш имкониятига эга бўдилар. Масалан, университет аспиранти Б.Бобонова ҳозирда Вена университетиде профессор Р.Крум ва Р.Файстауерлар раҳбарлигида ўз илмий ишини давом эттиряптир. Олимлардан Ш.Каримов, С.Красногорова, У.Ускенбоевлар Вена ва Паербах шаҳарларида ўқазилган халқаро анжуманларда иштирок этишга муяссар бўлишди. Шунингдек, немис филологияси факультети талабаси Муяссар Ёқубова Вена университетиде бир семестр давомида таҳсил олиб қайтганини ҳам мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Қуни кеча Австриянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси доктор Хайдемария Гюрер хоним университетда меҳмон бўлиб, таълим ва малака ошириш ишларининг янги уфқлари ҳақида режалар тузилди. Учрашувда университет ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Жамолиддин Бўронов мартабали меҳмонга олий ўқув юртида немис тили ва адабиёти бўйича юқори савияли таржимонлар тайёрлашда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб, ўзаро алоқаларни янада самаралироқ бўлишига оид таклифлар киритди.

Шавкат КАРИМОВ.



Жиззах шаҳридаги бадий кулчилик буюмлари жамоа корхонаси маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш борасида муайян ютуқларга эришмоқда. Айни пайтда бу ерда 17 турдаги уй-рўзгор ҳамда бадий буюмлар тайёрланапти. Жорий йилнинг шу кунигача ишлаб чиқарилган маҳсулотлар яхшигина даромад келтирди.

Корхонанинг чиройли ва бежирим уй-рўзгор буюмларига харидор тобора кўпаймоқда.

Суратда: ўз ишининг устаси Бўрон Кенжаев маҳсулот намуналарини кўрсатмоқда. Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

### Қарс икки қўлдан

Барча корхона, ташкилот, аҳоли хонадонлари электр энергияси мавжудлигидан доимо чарогон.

Электр энергиясидан бемалол, хоҳлаганча фойдаланиш имкониятига эга бўлаётган истеъмолчилар унинг ҳақини ўз вақтида тўлаб беришни ҳақиқий бурч деб билсаларгина бу соҳанинг иқтисодий аҳоли яхшилиги боради, хизмат кўрсатиш маданияти юксалади.

ҳасидаги 6"А"-уйнинг 22-хонадониде яшовчи Шоира Абдукаримова ютуқлар тиражининг голиби деб топилди ва телевизор билан мукофотланди.

Шунингдек, истеъмолчи Фатхулла Ғофуров видеомангитафон билан

комат қилаётган Ақром Шерматовлар юқорида айтганимиздек, электр манбаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишган. Уларга нисбатан жарима солишга тўғри келди. Яққасарой тумани Танченко 2-тор кўчасида яшовчи Марина Руденко эса бу соҳада «тадбиркор» чиқиб қолди. У электр ҳисоблагични тўхтатиб қўйиб, фойдаланмоқчи экан, аммо назоратчилар бу «сир»ни фош этишди. Оқибатда фойдаланган захираси учун тўлаши лозим бўлган маблағдан қочган истеъмолчи каттароқ ҳажда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Аҳоли ва ташкилот мутасаддилари билан узвий алоқада иш олиб бораётган ходимларимиз яна шундай «тадбиркорлик»лар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликлар, ноқулай вазиятлар ҳақида узлуксиз эслатиб турибдилар. Бу идоранинг моливий сиёсатида дебитор-кредитор қарзлар вужудга келмаслигининг омили бўлапти

Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» мухбири.

## Фойдаландингизми, ҳақини тўланг

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси жамоаси ҳамшаҳарларимизни электр энергиясидан тўғри, оқилона фойдаланишлари учун бор имкониятларни ишга солишяпти. Мутахассислар, назоратчилар тез-тез истеъмолчилар хузурида бўлиб, электр энергияси ҳақини ойма-ой тўлаб бериш борасида тарғибот ишларини кенг йўлга қўйишган. Бу борада масъулиятсизлик қилаётган шахслар ёки хонадон соҳиблари ўз вақтида оғохлантириляпти. Электр ҳисоблагичдан нотўғри фойдаланаётган истеъмолчилар эса жарима тўлашга мажбур

бўлишяпти.

Шу йилнинг бошида ибратли тадбир ташкил этдик, - дейди шаҳар электр тармоқлари корхонасининг директори Ботир Тешабоев, - фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаб борувчи истеъмолчилар ўртасида қимматбаҳо совринлар, ютуқлар тиражини ўтказди. Тиражда абонент китобчаларида кўрсатилган ҳисоб рақами эътиборга олинди. Электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаб келаётган, электр ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича умуман қарзи бўлмаган истеъмолчилар қимматбаҳо совринларни қўлга киритишди.

Қўйлик мавзеси 1-да-

тақдирланди. Бу тадбир истеъмолчилар ўртасида кизиқишни кучайтирди ва ижобий натижалар берапти. Энди йилнинг ҳар чорагида ютуқлар тиражи ўтказиб борилади.

Электр энергияси ҳақини муддатиде тўлаб бораётган истеъмолчилар кўпчилигини ташкил этади. Аммо, шולי курмаксиз бўлмайд, деганларидек, текширишлар жараёнида электр ҳисоблагичдан нотўғри фойдаланаётган кишилар ҳам учрайди. Аниқ далилларга мурожаат этайлик: Собир Раҳимов тумани, Улуғ тор кўчасида яшовчи - Рустам Ғуломов, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч массиви 7-уй, 19-хонадонда исти-

## БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

**Савол:** Мен касб-ҳунар лицейида 34 йил ишлаб чиқариш таълим устаси бўлиб ишлаб келмоқдаман. Хизматларимни инобатга олиб мени «Шухрат» медали билан мукофотлашди.

«Шухрат» медалининг бир бандида «Шухрат» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланадилар» деб ёзилган. Афсуски, биз бу мукофот совриндорлари ҳалигача қандай имтиёзлардан фойдаланишимизни билмаймиз. Ана шу имтиёзлар ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз.

Эгам МАТЁҚУБОВ, Хоразм вилояти, Хива тумани.

**Жавоб:** «Шухрат» медали билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдориде бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. Бу медал билан мукофотланган шахсларга қонун ҳужжатларида имтиёзлар белгиланмаган.

**Савол:** Кўпчилик ўқитувчиларнинг ойлик маошларидан 35 ва 40 фоиздан даромад солиғи олинапти. Саволимиз шундан иборатки мактаб, лицей, интернат ва гимназия ўқитувчилари ва тарбиячиларининг ойлик маошидан 35-40 фоиз солиқ олинадими? Шу тўғрида аниқ маълумот берсангиз.

Б.ХОЛИКОВ, Қува тумани.

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2,3-рўйхатларига кирувчи меҳнат қилиш шароитлари гоят оғир ва зарarli, ўта оғир ишлаб чиқаришларда ишлайдиган ходимларнинг даромадларидан солиқлар олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган. Юқорида кўрсатилган қарорга биноан ўқитувчилардан олинмаган даромад солиқлари 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

**Савол:** Мен Фаргона вилояти Сўх туманидаги 12-сон ўрта мактабиде тарих фанидан 1987 йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Аммо оилавий шароитим сабабли 1997 йил ноябр ойдан 1998 йил август ойига қадар мактабда ишладим. Шунинг учун мени 1998 йил учун кишлоқ ўқитувчиларига бериладиган

имтиёздан маҳрум қилишди. Шу тўғрими?

- **Иккинчи саволим:** Маориф ходимларига рағбатлантириш учун бериладиган 15 фоизли мукофот пули ойлик маошга қўшиб бериладими ёки йиллик йил охирида бериладими?

- **Учинчи саволим:** Ҳозирги кунда ер солиғи бўйича кишлоқ ўқитувчиларига қандай имтиёзлар мавжуд?

- **Тўртинчи саволим:** Кишлоқ ўқитувчилари имтиёзлардан тўла фойла-ниш учун неча йиллик иш стажига эга бўлишлари керак?

Сайдин ҲАМДАМОВ, Фаргона вилояти, Сўх тумани.

**Жавоб:** 1) 1997 йил ноябр ойдан ишдан бўшаб, 1998 йил август ойига қадар мактабда ишламаган бўлсангиз унда сиз шу давр учун имтиёзлардан фойдаланишга ҳаққингиз йўқ.

2) 15 фоиз рағбатлантирув фондидан бериладиган маблағ иш ҳақига қўшиб берилиши мумкин. Бу мукофот пули ходимнинг иш самараларига, юбилей, байрамлар арафасида ходимнинг ишга қўшган ҳиссасига қараб белгиланади.

3) ўқитувчиларга ер солигининг бекор қилиниши қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

4) ўқитувчилар имтиёзлардан тўла фойдаланишлари учун камиде ўн йиллик иш стажига эга бўлишлари лозим.

**Савол:** Касбимиз ўқитувчи, ўзимиз шаҳарда яшаймиз, лекин кишлоқ мактабиде ишлаймиз. Табиий газ, электр энергиясидан фойдаланиш учун эллик фоизли имтиёз берилгани тўғрими? Бунинг устига ишга ўз ҳамёнимиздан пул тўлаб қатнаймиз.

Ш.МИРАМАТОВ, М.ИБРАГИМОВ, Е.ЯКОВЛЕВА, О.НАИМОВ, М.СОДИКОВ, Чуст тумани 25-мактаб ўқитувчилари.

**Жавоб:**

1. ўқитувчилар шаҳар ёки кишлоқ жойда ишлашга қараб эмас, балки яшаш жойига қараб имтиёзлардан фойдаланадилар. Шаҳарда яшашингизни ҳисобга олиб, имтиёзлардан 50 фоиз миқдориде фойдаланишга ҳақлидирсизлар.

2. Транспортдан бепул фойдаланишга келсак, бу масала маҳаллий ҳокимликнинг имкониятларига қараб ҳал этилади.

## Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси

Соҳа касаба уюшмалари аъзоларини келаётган Наврўз байрами билан тин қалбдан табриклайди. Ҳар бир хонадонга бахту иқбол ёр бўлсин!

Баргани зўр умидлар билан қаршиланаётган улуг айём билан муборакбод этар эканмиз, оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, тинч-тоқувлик тилаймиз!

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши соҳа ходимлари ва касаба уюшма аъзоларини яқинлашайтган улуг байрамимиз

Наврўз билан чин дилдан муборакбод этади!

Ҳар бирингизнинг хонадонингиздан барака афимасин! Мустақил Ўзбекистонимизнинг ёрқин келаёти йўлида иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

### Наврўз илҳоми Менин деҳқон элим

Менин деҳқон элим, қадок кўл элим,  
Умид гулларин соч тупроқларингга.  
Бойчечак кўзида қулган соғинчадай  
Наврўз келаётир дил боғларингга

Бинафша баҳорнинг парирўй қизи,  
Не сирлар битилмиш япроғларингга.  
Сен унинг пойига гуллар тўшагин,  
Наврўз келаётир гул боғларингга.

Эй, боболар изи тушган ҳур қирлар,  
Қизгалдоқни босгин дил-доғларингга.  
Бир муҳаббат бўлиб, бир меҳр бўлиб  
Наврўз келаётир қучоғларингга.

О, кўзи кўлардан ёруғ болакай,  
Тонглар жавоб берсин сўроғларингга.  
Қарагин, сахардай дилбар, мунаввар,  
Наврўз келаётир дил боғларингга.

Кўҳна юртим менин, улуг даргоҳим,  
Турналар қайтими дил қароғларингга.



Энг гўзал кунларнинг сурурин бошлаб  
Наврўз келаётир қучоқларингга.

Лола япроғида эзилди бағрим,  
Бойчечак тушини сувларга айтдим.  
Эрка жайронларнинг соғинчларини  
Осмон юрагимда мен олиб қайтдим.

Кўйнимда кўз очди хушрўй бинафша,  
Настарин гулига етмади зорим.  
Кўксимда ухлаган маҳзун нидони  
Ўзинг уйғотиб бер, бугун баҳорим.

Кўларим уфқида ёришди сахар,  
Фалақдай чўқдим мен хижронларингга.  
Бир лаҳза олиб кет мени ҳам, ахир,  
Турналар қуйлаги осмонларингга.

Дарёдай тошдимку қирғоқ тополмай,  
Билдим фақат жонга озорлигингни.  
Издадим рўҳимни уйғоқ тополмай,  
Баҳор, кўрсат энди баҳорлигингни!

Озод БЕК.



Тақдирлардан  
сузлар  
модулар

(15 март - 21 март)

**КҮЙ.** Душанба сиз учун омадли келади. Пайшанба кун эса раҳбарлар билан тортишмаганингиз маъқул. Жума ва шанба кунлари келишмовчиликлардан сақланинг.

**БУЗОҚ.** Хафта боши ишда, уйда, дўстлар орасида қулай келади. Қолган кунлари эса бироз безовта-ланишингизга қарамай асабларингизни асранг, тинчланинг ва бир қарорга келишга ҳаракат қилинг.

**ЭГИЗАКЛАР.** Пулингизни сарфлашга шовилманг, чунки ҳафта охирида қийналиб қоласиз. Фақат Душанба кун молиявий ахволингиз яхшиланади. Чоршанба кун омад сиздан юз ўғриши мумкин. Умуман бу ҳафта эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

**КИСКИЧБАКА.** Режалаштирган ишларингизни амалга ошириш учун ҳафта бошида асабийлашасиз. Сешанба кун эса барчасига қўл силтаб сабаҳатга чиқинг. Шу баҳона қайфиятингизни кўтариб оласиз. Ҳафта охирида эса узоқдан янгилик кўринг.

**АРСЛОН.** Йўлда бўлганингиз ортқича сарф харажатлардан сақланинг. Сешанбада севган кишингиз билан жанжаллашмаганингиз маъқул. Чоршанба ва пайшанба кунлари ўзингизни қўлга олинг. Хуллас бу ҳафта сиздан сабр-тоқат талаб қилади.

**ПАЗИЗОД.** Душанбадан чоршанбагача керагидан ортик пул сарфламанг. Ҳафтаси болаларингиз тарбияси билан шуғулланинг, лекин ишга бўлган масъулиятни ҳам унутманг. Мухим ишларингизни кейинроқ ҳал қилишингиз маъқул.

**ТАРОЗУ.** Хафта бошида ўзингизга яқин инсонлар билан учрашиб, барча муаммоларингизни ҳал этиб оласиз. Лекин солигингиз ҳақида қайғуришингиз ҳам унутманг. Умуман бу ҳафтада ҳаменингиз тўлиб, омад сизга қўлиб боқади.

**ЧАЕН.** Душанба кун ишингиз бароридан келади. Сешанба ижод кун. Чоршанба дам олиш, муҳим ишларни режалаштириш учун қулай. Ҳафта давомида бировларнинг ишига аралашмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари уй ишлари ва оилавий муаммолар билан бирга бўлинг.

**ЎКОТАР.** Мухим учрашувлар ва ҳарид учун душанба омадли кун. Чоршанба ва пайшанба кунлари режаларингиз ўзгариши мумкин. Ёрдам бермоқчи бўлганингиз қаршилик қилманг. Шахсий муаммоларингизни дам олиш кунлари уйда ҳал қиласиз.

**ТОҒ ЭКИСИ.** Тинчгина дам олиб, ҳордик чиқариш учун душанба, муҳим учрашувлар ва ижод учун эса сешанба омадли келади. Чоршанбада моддий ахволингиз яхшиланади. Қолган кунлари жуда кўп куч сарфлаб, барча муаммоларни ўз фойдангизга ҳал қиласиз.

**КОВҒА.** Ҳафта бошида ҳаменингиз тўлиди ва харидингиз омадли бўлади. Пайшанба, жума ва шанба кунлари режаларингиз пучга чиқishi мумкин, лекин эҳтиёт бўлинг. Яшанбада муҳим ишларни амалга ошириш имконияти туғилади.

**БАЛИҚ.** Душанба кун кўчага чиқмаганингиз маъқул. Сешанбада шахсий ишларингизни ҳал қилинг. Чоршанба молиявий ва моддий ахволингизни яхшилайди. Ҳафта давомида сизга омад келтирадиган таклифлар қилишади, лекин бир қарорга келишга шовилманг. Барча муаммоларни бирдангина ҳал қилиш қийин.

\*\*\*\*\*

### «Ишонч» танловига

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича анъанавий IV Халқаро турнир олдидан

Бу ўлкадаги ҳар бир йигит томирида баҳодирлар ва мардлар қони бор. Азал-азалдан Сурхондаги тўй-ҳашамлар кураш ва улуксиз ўтмаган. «Қизил империя» даврида қон-қонимизга сингиб кетган бу халқ ўйинларини йўқ қилишга уринишлар кўп бўлди. Тўйларда кураш ва кўпқари берган зўр йигитлар сўроқ қилинди. Аллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, у кунлар хотира бўлиб қолди. Юрагиде гурури бор йигитлар эндиликда барча спорт турлари бўйича халқаро турнирларда Ўзбекистон шарафига учун майдонга тушиш бахтига муяссардилар.

Урөл, Эрали, Махтумқули, Ботир полвонлар ҳақида ҳар қанча ёзсақ ҳам оз. Орият баланд бу йигитлар вилоят жисмоний тарбия ва спорт жаҳияти мактабиде таълим олаётган ёш полвонларга ҳам акаларча елка тутиб, кураш бода бода биланларини ўргатиб келмоқдалар.

Қаҳрамони 1981 йилда Термиз шаҳрида туғилган Олим полвон Худойкуловдир.

Донгдор полвонлар бу йигитни алоҳида эътироф этишиб, ҳали олдиндаги кўп майдонларнинг қаҳрамони бўлиши бор, дейишди. Сунгра, унинг бир неча бор давраларда ва спорт залларидаги харажатлари ва ютуқлари ҳақида мароқланиб сўзлашди:

«Хар кун спорт залига 30 нафардан ортик полвон йигитлар келиб машқ қилишади. Хар бирининг ўз йўриги ва услуби бор. Айрилларнинг харажати хали кураш майдонларида биз ҳам қўлламаганмиз. Бундай ҳолат Олимжонда тез-тез учрайди, дейди Махтумқули полвон Махмудов.

Эндигина 19 ёши қаршилаётган Олимжоннинг қадди-баста келишган, худди катта полвонларга хос саловат ва гурур юзларидан балқиб турибди. Полвонни секингина гапга соламан:

«Анча йиллар бурун тоғам Шойимқул ва у кишининг Холиқ полвон деган ўғиллари давраларнинг кўрки бўлишган. Ана шу тоғаларимдан кейин бизнинг авлоддан полвонлик анча узоқлашган. Бир неча ўн йиллар ўтди. Бир гал Холиқ полвон тоғам билан Термизга келётгандик. Жаркўрган туманининг яланг жойида бир гуруҳ одамлар тўпланишиб, болаларни кураш тушираётган экан. Тоғам полвон эмасми, қизқишиб билан мени ҳам бошлаб борди. Ўзимнинг келбатимдан анча кичкина бир болага рўбарў қилишди. Ушанда 3-синфда ўқирдим. Рақибимни, бир кўлда йиқаман деган ҳаёлда даврага чикдим. Хали давра нима эканлигини билмасдим. Айниқса, уни мулзам бўлиб тарқ этиш ҳам осон эмаслигини умуман ҳаёлга келтирмаганман. Бунинг устига Холиқбой тоғамни кўплар танир эканми, у кишинга юзланиб: «Уғил бола тоғага ўхшайди, йигитнинг тоғаси бўлсин, дейишиб менинг голиб бўлишимни айтдилар. Даврага катта куч билан чикдим. Биринчи

кўлдаёқ, рақибим мени осмондан кўтариб ерга қўйди. Бола эмасманми, баковулнинг мени йиқитган болага пул бериши, мени куруқ чиқариши ёмон таъсир қилди. Тоғамнинг ёнига йиғлаб келдим. У киши, Олимжон, сен йиғлама, ҳали зўр полвон бўласан деб елкамга қокдилар. Воқеани, уйга келгач, оқизмай-томизмай уйдагиларга айтдим. Улар ҳазил-мўтойиба қилишиб қулишди. Бироқ, мен ота-онамга спорт залларига олиб боринглар, шуғулланиб ўша болани йиқитаман деб қаттиқ туриб олдим.

— Уша полвон болани учратдингизми? - Қизқишим ортиб сўрадим.

— Уни кўз олдимга келтира олмаيمان ҳам.

— Курашга қизқиканми пайқаб қолган машҳур Холиқ Полвон тоғамнинг севинганини айтмайсизми. Ўзим ёш бола бўлсам-да, тўй-ҳашамларга тоғам менга қўшилиб боради. Менинг даврада беллашганимни кўрса, у ёқ - бў ёқга юриб, харажатларимни зимдан кузатади. Мабоодо, рақибни йиқитсан борми, ўзини кўрага жой топа олмай қолади. Йиқилсам, худди ўзи майдондан боши эгик ҳолда чиққандай бўлиб юради.

Сухбатга Олимжоннинг отаси

Турсунбой ака қўшилади:

— Олимжоннинг курашга бу қадар берилиб кетганини сезганимга ҳам тўққиз йил бўлди. Унга доим бир гапни айтман. «Молингни тишич қоринда!» Йигитликда номи чиксин полвоннинг. Сен хали бир ниҳолсан. Хали гуллашинг керак. Йигитликнинг кўклами доим турмайди. Вақтни бой берма. Полвон тоғаларинг давомчиси бўл. Номадга қўл берма дея насиҳат ва дуолар қиламан.

Дуогўй муҳлис отаси бўлган Олимжон уч-тўрт йилдан бери, тоғаси, отаси ва онаси Жумагул яқин қувончга тўлидириб, мусобақалардан совриндор бўлиб қайтади. Ёш полвон Олимжон вилоятнинг мутлоқ чемпиони. У Хоразм, Наманган, Чирчиқ, Тошкент, Самарқанд, Навоий каби ўнлаб шаҳарларда ўтказилган республика чемпионатларининг совриндори. «Пахлаван» турнирларининг фаол иштирокчиси.

— Ёшига нисбатан анча етук ёш полвон Олимжонга мен ҳам бир устозман. Ўн йилча бўлди. Тинимсиз машқ қилади. Баъзан, бу ерга келадиган йигитлар «мени, Олим билан туширманг» дейишади. Нима учун, - деб сўраганимда улар: - Аввал, ўзингиз бир тушингчи. Олим полвон эмас, темир одам-ку» дейишади. Ростдан ҳам биллақлари чайир, қаттиқ, темиртанга ўхшайди. Болаларнинг зорланганича борда, - дейди Рўзи полвон Ўтаев.

Асли-наслида бўлмаса, полвон бўлмайди одам. Оққан-дарё оқаверади, деганларидек, Олимжон Худойкулов ҳам катта бир дарёнинг ирмоғи. Хали уни зўр давралар кутаяпти.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ишонч» мухбири.

## КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг 1998 йилги якуни ва 1999 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирадир Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида: «Утган йил натижаларини умумлаштирар эканмиз, эришган энг катта ютуғимиз, аввалам бор одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгариши десак, асло муволага бўлмайди» деб уқтиришлари қисқа вақт ичида эришилган ўзгаришларга берилган одилона баҳодир. Лекин тўқликка шўхлик қилиб, тайёр ошга бақовул бўлаётган кимсалар ҳам орамизда йўқ эмас. Узи ишлаётган қорхонада халқ эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга кўз олайтириб, ташмачилик йўли билан шайхий манфаатини қондираётган қўли эгрилар эл лаънатига лойикдилар.

Ана шундай жигилдони ўпқон, баднафслар йўлига тўсиқ қўйиб, жиноий ишлар олдини олаётган Қашқадар вилоят Ички ишлар бошқармасига қарашли «Қуриқлаш» хизмати бошқармаси ходимлари фаолияти шу жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда унинг таркиби малакали кадрлар ҳисобига мустақамлаб борилаётир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўрин тутадиган Таллимаржон сув омбори, «Шўртангаз», «Қудумалоқ» газ қонлари, Қарши магистрал канали ва насос станциялари, «Шўртангазкимё» мажмуи ва бошқа муҳим тармоқларда «Қуриқлаш» хизмати ходимлари сергак турибдилар. Фақат ўтган йилнинг ўзидигина улар томонидан ташмачилик бўйича 1779 ҳолат аниқлангани ва шундан 1674 таси маъмурий чора кўриш учун жойларга юборилгани уларнинг ўз хизмат бурчларига қандай масъулият билан ёндошаётганликларини кўрсатиб турибди. Эл мулкани талон-тарож қилган фуқаролардан 1,5 миллион сўмдан кўпроқ жарима ундирилди. Ташмачилар томонидан ўмарилган ярим

рийлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар, шунингдек ёшлар жалб этилгани унинг таъсирчанлиги, самарадорлигини таъминлашга ёрдам берди. Пировард натижада ташмачилар сони камайди.

Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, амалга оширилаётган қатор тадбирларга қарамасдан бу соҳада хали тегишли тартиб ўрнатилганича йўқ. Жумладан, амалдаги йилнинг бир

қиб кўринг, дегимиз келади.

Шуни қайд этиш жоизки, халқ мулкани асраб-авайлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган «Қуриқлаш» бошқармаси жамоа аъзоларидан милиция майори Тўқсон Қўзиёв, милиция капитани Муҳиддин Ҳасанов ва милиция сержанти Аҳмад Эшматовларнинг сазй-харажатлари, сергаклиги туфайли қўллаб моддий бойлиқлар талон-тарож қилинишдан сақлаб қолди.

— Бошқармаимиз ходимлари халқимиз мулкани кўз қорачиғидек асраш, қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотларни бекамикўст истеъмолчиларга етиб боришда кўрсатаятган ҳалол хизматлари эътирофга лойик, - дейди бошқарма бошқовни, милиция подполковниги А.Ибодов. - Уларнинг малакалари, сиёсий билимларини янада ошириш чора-тадбирларини кўраямиз. Бунинг учун Маърифат ва маънавият хонасида мутахассисларни жалб этган ҳолда учрашувлар, суҳбатлар ва бошқа қизикарли мулоқотлар уюштирилмоқда.

Мақсадимиз битта - халқ моддий бойлиқларини эгри кўлардан асраб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожланишига баҳоли қудрат хисса қўшишдир.

Дарҳақиқат, шундай. Ташмачиликнинг қанчалик тез олди олинса - пировард натижа ҳам шунчалик яхши бўлади. Бинобарин, томчилар уммонга айлиниб, эл дастурхонининг янада тўкин бўлишини таъминлайди.

Шавкат СУЛТОНОВ,  
Абдунаби МАННОПОВ,  
«Ишонч» мухбирлари.

### Огоҳ бўлинг: ташмачи!

миллион сўмликдан зиёд моддий-товар бойлиқлар қорхона ва ташкилотларга қайтарилди. 121 нафар фуқаро огоҳлантирилиб, 89 нафар «учарлар» иши чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди.

Асосий гап шундаки, қўли эгриларни фақат жазолайвериш билан мақсадга эришиш қийин. Ҳуқуқшунослар орасида жиноятчиларга қарши эмас, жиноятчиликка қарши кураш йўли билан мудоаога эришилади, деган гап бекорга юрмаса керак. Шу боис ҳам ташмачилик илдизига болта уриш, содир бўлишга сабаб бўлаётган ҳолатларни ўрганиши, аниқлаш орқалигина унинг олдини олишни таъминлаш долзарб вазибалар сирасига қиради. Қуриқлаш ходимлари ҳам ана шу мантиқдан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқдалар. Масалан, ташмачиликка қарши кураш ва унинг олдини олишни кўзлаган 1100 дан кўпроқ суҳбат, учрашув ва мулоқотлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали элликка яқин чидашлар қилинди. Ўтказилган тадбирларга фах-

ярим ойи мобайнида 164 фуқаро майда ўғирлик билан қўлга тушди. Улардан 139 нафарига суд ҳукми билан 153 минг сўм миқдорда жарима солинди. Бир ташмачи устидан эса Жиноят Кодексининг тегишли моддасига биноан жиноий иш қўзғатилди.

Юқоридаги каби қонунга хилоф ҳолатлар айниқса Косон тумани улушига тўғри келмоқда. Масалан, туман ёғ-экстракция заводи чилангари Очил Убайдуллаев, Қарши ёғмай қорхонаси ишчиси Шопулт Жўраев, Қарши темир йўл депоси оператори Баҳодир Норматовлар жарима тўлаб, ташмачилик қилганларидан пушаймон бўлдилар.

Халқимизда «Кўза кунда эмас, кунда синар» деган нақл беҳиж айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам ўз жигилдонидан бошқа нарсани ўйламай, халол-харомнинг фарқи бормаётган бундай кимсалар бугун бўлмаса эртага албатта қонун олдида жавоб беришлари аниқ. Шунинг учун уларга қинғир ишининг қийиғи кирк йилдан кейин ҳам чиқади, деган мақолнинг магзини ча-

### Орзулари ушалди

Жиззах туманига қарашли «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида жойлашган Янгиобод қишлоғи кўндан бери орзу қилиб келган ниятларига етди. Туман газлаштириш идораси ишчи-хизматчиларининг самарали меҳнати натижасида газ қувурлари тортилиб, қишлоқнинг дастлабки хонадонларида «зангори олов» ёна бошлади. Бунда, айниқса, ёш болалар ва қаришлар газчилардан мамнун бўлишмоқда.

О. САИДОВ.



## «ДУНЁ-М»

хиссасдорлик  
жамияти

Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони,  
Олтин бошқ кўчаси, тел. 3-87-16  
Барча истеъмолчиларга 200 ва 300 граммли  
идишларга қадокланган

### МАЙДАЛАНГАН БУҒДОЙ ЎЗАГИНИ

тавсия этади.

Чунки ушбу маҳсулот

- овқат ҳазм қилишни яхшилайди;
- аллергияни йўқотади;
- тиш ва сочларни мустаҳкамлайди;
- терини тозалайди;
- мушакларни ўстиради.

Ўзакни зойитувчи модда сифатида нон ва қандолат маҳсулотларига, гўшти ва сутли таомларга қўшиб истеъмол қилса бўлади.

### ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

## Биринчи чўнтак газетаси

Нусхаси кўплиги жиҳатидан учинчи ўринда турадиган Япониянинг машҳур «Майнити симбун» газетаси радиоэлектроника соҳасида юқори кўрсаткичларга эришган «Шарп» фирмаси билан ҳамкорликда жаҳонда биринчи бўлиб электроника усулига асосланган чўнтак газетасини чиқарди. Бу газета пейзаж тақомиллашган тизимига асосланган бўлиб, ҳафтада беш марта босилади. Электрон газета соҳиблари чўнтак калкуляторидек келадиган электрон газета экраниде кунига 150 сўз-

дан иборат 150-200 та мақолани ўқишлари мумкин. Мақолалар кунига турли янгиликлар қатори икки марта янгиланади. Тахририят шу кунларда 100 мингдан зиёд обуначига эга бўлиш арафасида турибди. Бу янгилик келажакда минглаб тонналаб қоғозни иқтисод қилиш ҳамда муштарийларга қулай шароит яратиб, уларни янгиликлардан тезда хабардор этиш ва қимматли вақтларини тежаш имконини яратади.

Илҳом Шермухамедов тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИТТИФАҚИ

**ИШОНЧ**

МАКТАБ

Бош муҳаррир:  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ  
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36  
Бош муҳаррир уринбосари-56-52-89  
Мастхаз қотиб - 36-52-78

БЎЛИМЛАР:  
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.  
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият -56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлар - 56-85-43. Ижтимоат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:  
Жиззах-3-83-01. Наманган-6-22-10 Самарқанд-35-64-24. Фарғона-24-58-43. Урганча-6-03-40. Қарши-5-19-11. Қумўғона-54-3-58.

Сотувда эркин нархда.  
Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Навр кўрсаткичи: 133; 134

Газетига 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Қорхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириш вақти 22.00